

## Чизма геометрия фанига қизиқтириш

Жорий йилнинг 8-июн куни “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” кафедраси “Муҳандислик графикаси ва дизайн назарияси” мутахассислиги магистрантлари ҳамда кафедра билан ҳамкорликда 1-курс бакалавр талабалар ўртасида “Ёш муҳандис” викторинаси чизма геометрия фанидан ўтказилди. Тадбирни техника фанлар доктори Д.Ф.Кучкарова очиб берди ва ҳозирги кунда чизмачилик фани ўрни, шартларни, баҳолаш мезонларини тушунтирди. Магистрантлар викторинада педагогик маҳорат ва маънавий-маърифий тадбир ўқитувчилари кафедра мудирини доцент Насритдинова, техника фанлар доктори Д.Ф.Кучкаровалар қизиқарли 7 та шартни замонавий технология воситаларидан ва методлардан (блитс, кейс, кластер каби) методик усуллардан фойдаланиб олиб боришди.



ЧГ ва МГ кафедраси ўқитувчилари Ж.Қосимов ва А.Уришевлар, кафедра техника фанлар доктори Д.Ф.Кучкарова, кафедра мудирини доцент Насритдиновалар шартларни назорат қилиб баҳолаб бордилар. Тадбир сўнгида 3 та гуруҳдан гўолиб гуруҳ аниқланиб, ташаккурнома билан тақдирланди. Бу каби тадбирлар Чизма геометрия фанига янада талабаларнинг фанга қизиқишини ва янги методлардан фойдаланиб интерактив дарсларни ўтишга, магистрантларда эса педагогик маҳоратни оширишга ёрдам беради. Тадбир қизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтказилди.



**ТИҚХММИ матбуот хизмати**